

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.01.14 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КУВАНДИКОВ ИЛЪЯС ТУЛАКОВИЧ

Ўзбекистон ёшлари дунёқарашини бойитишда миллий ғоянинг роли

09.00.05 – Миллий ғоя ва тарғибот технологиялари

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Кувандиков Ильяс Тулакович

Ўзбекистон ёшлари дунёқарашини бойитишда миллий ғоянинг роли.....

Кувандиков Ильяс Тулакович

Рол национальной идеи в обогащении мировоззрения молодежи
Узбекистана.....

Kuvandikov Ilyas Tulakovich

On theme the role of national idea world outlook of youth of Uzbekistan.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.01.14 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КУВАНДИКОВ ИЛЪЯС ТУЛАКОВИЧ

Ўзбекистон ёшлари дунёқарашини бойитишда миллий ғоянинг роли

09.00.05 – Миллий ғоя ва тарғибот технологиялари

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4PhD/Fal541 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидеда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Ўзбекистон миллий университети веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Жўраев Нарзулла Қосимович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қуронов Муҳаммаджон
Педагогика фанлари доктори, профессор

Қўчқоров Ваҳоб Қўчқорович
Сиёсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тошкент давлат кимё-технология
институту**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.14 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 23 » ____делабрь_соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.Тел.: (71) 246-02-24; факс: (71) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (158 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (71) 246-02-24; факс: (71) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(2021 йил « ____ » _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).



Илмий да
кенгаш ра
доктори, п

Илмий да
кенгаш ра
номзоди,

Илмий да
кенгаш ра
сиёсий ф
(DSc), доц

Н.Шермухамедова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор.

О.Муҳаммадиева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, фалсафа фанлари
номзоди, доцент

Ж.Мавлонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, сиёсий фанлар
доктори (DSc), доцент.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тинчликни сақлаш, халқлар фаровонлиги ва миллатнинг келажагини таъминлашда, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликни такомиллаштиришга эҳтиёж ошмоқда. Дунё ёшларининг сиёсий маданияти, мафкуравий ҳушёрлигини ошириш, ижтимоий тармоқларда кибертеррорчилик авж олаётган даврда улар онгида Ватанга садоқат руҳи ва юксак маънавиятни шакллантириш даврининг талабига айланмоқда. Бу миллий мафкуранинг халқ ва миллат манфаатлари ҳимоясини таъминлашга эҳтиёж ошмоқда, ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиётга эришишида ёшлар онгига миллий ғоянинг аҳамиятини тушунтиришга йўналган янги тарғибот технологияларни яратиш ва улардан тизимли фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказларида ёшлар онгига миллий ғоянинг моҳиятини сингдириш, унинг халқ ва миллат манфаати ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган мезонларини аниқлаш, бузғунчи ғоялардан ҳимояланиш механизмларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Зеро, ёшларнинг илмий салоҳиятини ошириш учун таълим муассасаларида рақамли технологиялардан фойдаланиш учун шароит яратиш, уларнинг касбий камолотига эришиш, дам олиш маданиятини шакллантиришга бағишланган илмий тадқиқот ишларининг роли ошмоқда.

Янги Ўзбекистонда учинчи Ренессанс бунёдкорлари бўлмиш ёшларда миллий ғурур, ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғусини шакллантириш, уларда бўш вақтдан самарали фойдаланиш малакаларини тарбиялаш, тадбиркорликни илмий ташкил этиш, келажакда Ватан равнақиға муносиб ҳисса қўшиш учун тўғри касб танлашиға имконият яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббуси доирасида ёшларнинг ахборот технологияларини, санъат ва адабиётни ўрганиш, уларнинг жисмоний ва ақлий саломатлигини таъминлашда спорт билан шуғулланиш, хотин-қизларни иш билан таъминлашға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, «... олдимизға қўйган улкан вазифаларни амалға оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишға берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур»¹, бунда Ўзбекистон ёшларининг дунёқарашида миллий ғоянинг халқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисға Мурожаатномаси.. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

фаровонлиги, Ватан равнақини таъминлашга йўналган бунёдкор куч сифатидаги аҳамиятини тушуниш ва шу жараённинг фаол иштирокчиси бўлишига эришиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислох қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465-сон «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги Қарори ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида ёшлар дунёқарашида миллатнинг руҳини асраш, уларда мамлакат тараққиётига дахлдорлик туйғусини шакллантиришда «Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш» тарғибот технологиясидан фойдаланишнинг аҳамияти асосланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йилда ёшлар билан учрашувида «30 июн Ёшлар куни» деб эълон қилиши, уларда ўзига ишонч руҳини шакллантиришнинг тарғибот технологияси сифатида амал қилган.

Тарихий тараққиёт жараёнида Шарқ ва Ғарб олимлари ёшларнинг ижтимоий онгида миллий ўз ўзини англаш, жамиятнинг ривожланишида фаол иштирок этишига эришишга оид ғояларни илгари сурган. Масалан, ал Фаробийнинг «Сиёсат фалсафаси»¹ асарида жамият аҳолисининг сиёсий ҳушёрлигини ошириш, Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»² асарида ақл тарбиясининг тафаккур янгиланишидаги роли, Имом Бухорий хадисларида

¹ Форобий Абу Наср. Сиёсат фалсафаси. – Т.: Халқ мероси, 1993. -293 б.

² Юсуф хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т.: Шарқ, 1994. - 235 б.

диний ва дунёвий билимлар уйғунлигига эришиш маънавий маданият омили эканлиги очиб берилган, А. Авлонийнинг «Маданият тўлқинлари»¹ мақоласида ўзга маданиятларни ўрганиш ва улардан миллий маданиятни ривожлантиришда танқидий фойдаланишнинг аҳамияти, Фитратнинг «Нажот йўли»² асаридаги ақл тарбияси ҳақидаги ғоялари ёшларни маънавий камолотга эришишнинг назарий асосидир. Ғарб мутафаккирлари Платоннинг «Давлат»³ ва Аристотелнинг «Ахлоқи кабир»⁴ асарларида ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантиришда давлат сиёсатининг роли очиб берилган. XX аср файласуфи К.Ясперснинг «Ҳаётнинг маъноси ва унинг мақсади»⁵, М.Шелернинг «Инсоннинг космосдаги ўрни»⁶ асарларида шахсларо муносабатларда меъёрга амал қилишнинг аҳамияти асосланган.

XX аср рус олимлари В.И.Милдон, А.М.Салмин, Г.Б.Осипов, С.Т.Агаев, С.Ф.Черняховский, Г.А.Зюганов⁷ миллий мафқуранинг ёшлар онгига таъсирининг йўналишларини таснифлаган. Ф.М.Султанов⁸ татар миллий ғоясининг тарғиботида ёшларнинг ролини, А. Шангина ОАВнинг миллий ғояни тарғиб этишнинг бош технологияси⁹ эканлигини очиб берган.

Ўзбекистон сиёсатшунос олимлари Н.Жўраев¹⁰, Х.Одилқориев¹¹ Ш.Пахрутдинов¹², И.Эргашев¹³, Д.Раззоқов¹⁴, Н.Умарова¹⁵ миллий мафқуранинг сиёсий барқарорликни таъминлашдаги ўрнини, социолог олимлар М.Бекмуродов¹⁶, А.Холбеков¹⁷, А.Қаҳҳоров¹⁸, М.Ғаниева¹⁹, Н.Алиқориев, Р.Убайдуллаева²⁰ мафқуравий тарғиботнинг йўналишларини аниқлашда жамият аҳолиси ижтимоий фикрининг аҳамиятини, файласуф

¹ Авлоний А. Маданият тўлқинлари. –Т.: Шарқ. «Гулистон»журнали». 11-сон. 1994.

² Фитрат А. Танланган асарлар. 2-жилд: Илмий асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2000.

³ Платон. «Давлат»ўзбекчага таржима, – Т.: Янги аср авлоди, 2008. - 450 б

⁴ Аристотел. Ахлоқи кабир (катта ахлоқ китоби) ўзбекчага таржима. – Т.: Янги аср авлоди. 2011. -355 б.

⁵ Ясперс К. Ҳаётнинг маъноси ва унинг мақсади (т. 1–3, 1932, рус. Пер). 2012.

⁶ Шелер М. Инсоннинг космосдаги ўрни. М.: Прогресс, 1988. С.31-95.

⁷ Мильдон В.И. Санскрит во льдах, или возвращение из Офира: Очерк русской литературной утопии и утопического сознания. Москва: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2006. Салмин. А.М.Современная демократия: очерки становления (2-е, расшир и испр. изд. М., 1997) Черняховский С. Ф. Политики. Предатели. Пророки. М. Книжный мир. 2015. Зюганов Г.А. Россия - родина моя. Идеология государственного патриотизма. — М.: Информпечать, 1996. — С. 336. — ISBN 5-88010-028-6

⁸ Солтанов Ф.М. Хер фикер юлында. Казань: Тат. кит. нэшр., 1986. - 111 б.

⁹ Шангин А. О технологиях пропаганды национальной идеи на страницах СМИ. М.: Книжный дом. 2001.

¹⁰ Жўраев Н. Янгиланишлар концепцияси: яратилиши, эволюцияси ва амалиёти. –Т.: Маънавият, 2002.- 87 б;

¹¹ Одилқориев Х., Раззоқов Д. Сиёсатшунослик: олий таълим муассасалари талабалари учун дарслик. – Т.: ЎФМЖ, 2009. -398 б.;

¹² Пахрутдинов Ш. «Таҳдид ҳалокатли» куч.– Т.: Академия, 2001. -320 б.

¹³ Эргашев И. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги. – Т.: Akademiya, 2008. -32 б.

¹⁴ Раззоқов Д. Сиёсатшунослик: ОТМ талабалари учун дарслик. – Т:ЎФМЖ, 2009. -398 б.

¹⁵ Умарова Н. Миллий истиқлол ғоясини умумтаълим тизимида сингдириш технологияси. – Т.: Янги аср авлоди. 2003. Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар. Т.: Akademiya, 2008. Б. 32.

¹⁶ Бекмуродов М. Мавороуннаҳрда жамоатчилик фикри. – Т.: Фан, 1994.-68 б.

¹⁷ Холбеков А. Бошқарув социологияси. (ўқув қўлланма). Т.: Академия, 2007 й.-78 б.

¹⁸ Қаҳҳоров А. Миллий истиқлол ғояси ва мафқураси: фалсафий ва ҳуқуқий жихатлар. Т.:, 2001.-123 б.

¹⁹ Ғаниева М. Основы социальной работы (учебное пособие). Т.: Республиканский центр социальной адаптации детей, 2009. -112 б.

²⁰ Алиқориев Н., Убайдуллаева Р. Умумий социология. – Бишкек.1999.-126 б.

олимлар С.Атамуродов¹, А.Очилдиев², И.Соифназаров³, Б.Тўйчиев⁴, Н. Шермухамедова⁵, Х.Шайхова⁶, И.Каримов⁷, У.Қорабоев⁸, М. Шарифхўжаев, З.Давронов⁹, М. Куронов¹⁰ ёшлар дунёқарашида мафкуравий иммунитетни шакллантириш технологияси сифатида оила тарбияси, таълим тизими, фуқаролик институтлари амал қилишини очиб берганлар.

Бироқ, мавзуга оид тарихий ва замонавий адабиётлар, илмий тадқиқотлар таҳлили натижасида миллий мафкуранинг кишилар онгига таъсир қилишдаги фалсафий жиҳатлар, унинг ижтимоий аҳамияти муайян маънода асосланган бўлса-да, айнан жамият ижтимоий-маънавий барқарорлигини мустаҳкамлашда ёшлар дунёқарашини бойитишнинг мафкуравий омиллари ва методологик ёндашувлари етарли асосланмаганлиги аниқлангани боис, ушбу тадқиқот ишида ёшлар дунёқарашини бойитишда миллий ғоянинг ролини белгиловчи тарғибот технологияларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсади белгиланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий тадқиқот иш режасининг ПЗ-20170928710-сонли «Ҳаракатлар стратегиясини бажариш даврида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ёшлари дунёқарашини бойитишда миллий ғоянинг бирлаштирувчи куч сифатидаги аҳамиятини очиб бериш ва унинг тарғиботини ташкил этишнинг янги технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий ғоя ёшлар дунёқарашида давлат бошқарувига ишонч руҳи ва дахлдорлик туйғусини тарбиялаш механизми эканлигини очиб бериш;

миллий ғоя ёшлар дунёқарашида мақсадли - ижтимоий фаолиятни режалаштириш технологияси эканлигини асослаш;

ёшлар дунёқарашида бўш вақтдан унумли фойдаланиш, маънавий маданиятни шакллантиришда бадиий адабиётнинг ролини аниқлашда миллий ғоя тарғибот технологиясидан фойдаланишнинг аҳамиятини очиб бериш;

¹ Отамуродов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. – Т.: Академия, 2005. -196 б.

² Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Т.: Ўзбекистон, 2004. -133 б.

³ Соифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. –Т.: Шарқ, 2001.-197 б.

⁴ Тўйчиев Б. Хуқуқ фалсафаси. –Т.: Университет, 2003. -214 б.

⁵ Шермухамедова Н. Формирование идеологического иммунитета как важный фактор развития общества. – Т.:УФМЖ 2003. -602 б.

⁶ Шайхова Х. Умуминсоний кадрятлар ва маънавий камолот. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 192 б

⁷ Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. –Т: Фан, 2007. -210 б.

⁸ Қорабоев У. Этнокультура. Т., 2004. -236 б.

⁹ М. Шарифхўжаев, З.Давронов. Маънавият асослари. Т.: 2005. www.ziyouz.com kutubxonasi. -364 б.

¹⁰ Куронов М. Биз англаётган ҳақиқат. Т.: Маънавият. 2008. -152 б. Куронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Т.: Академия, 2008.

ёшлар дунёқарашида кибертеррорчиликка қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида давлат бошқаруви тизимида жамиятнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича олиб бораётган ижтимоий жараёнлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон ёшлари дунёқарашини бойитиш механизми сифатида амал қилаётган миллий ғоянинг тарғибот технологиялари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда ўзаро алоқадорлик, тарихийлик, тизимлилик тамойиллари ва қиёсий таҳлил, умумлаштириш, гипотетик дедуктив методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёшларнинг ижтимоий онг ва дунёқарашига таъсир этувчи миллий менталитетимизга хос бўлган мулоқот, маслаҳат, насиҳат ҳамда анъана ва расм-русумларимиздаги ижобий омилларнинг амал қилиш механизмлари таснифланган ва уларнинг онг стереотипларини (лоқайдлик, бепарволик каби) бартараф қилиш, ёшлар дунёқарашини инновацион ғояларга жалб қилиш орқали жамиятнинг фаол аъзолари сифатидаги сафарбарликларини таъминлаш омиллари тадрижийлик методи асосида очиб берилган;

янги Ўзбекистон давлат бошқарувида амалга оширилаётган ислохотларнинг ёшлар дунёқарашида дахлдорлик ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, ижтимоий фаолликни ошириш, жумладан, уларни иш билан таъминлаш жараёнида амал қилинаётганлиги тизимли таҳлил методи асосида асосланган;

илмий ва бадиий билим, малака ва кўникмаларнинг ёшлар дунёқарашини бойитишдаги ролини ошириш, улар билан индивидуал иш олиб боришга устувор аҳамият қаратиш, шахсий келажак истиқболларини белгилашда давлатнинг халққа хизмат қилиши тамойилларидан келиб чиқиш, манфаатлар мутаносиблигини таъминлаш ва амалдаги қонун нормаларига риоя қилишнинг зарурати очиб берилган;

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларидаги хабарларни саралаш, танлаш ва улардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришнинг ёшлар ижодий салоҳияти касбий маҳоратини ошириш омили эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий ғоя ёшлар дунёқарашида жамият таракқиёти, ижтимоий жараёнларнинг аҳамиятини тушуниш, ижтимоий онгини мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялашнинг амалий воситаси эканлиги очиб берилган;

таълим тизимининг барча босқичларида ёшлар онгида миллий ғоянинг моҳияти, унда халқ ва давлат манфаатлари ўз ифодасини топганлигини асослашга оид рисола ва асарлар чоп этиш, ОАВда кўрик-танловлар ўтказиш, дунёқарашни бойитишнинг аҳамиятини кўрсатувчи видеоролик ва хужжатли фильмлар яратиш, уларнинг тақдимотини ўтказиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани ҳақида олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти миллий юксалиш ғоясининг Ўзбекистон ёшлари дунёқарашини бойитиш, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик муносабатларини ривожлантириш, аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, қарияларни кадрлаш, инсон онгининг трансформациясида миллий ўзликни сақлаб қолиш, халқаро майдонда мамлакатнинг нуфузини оширишдаги аҳамиятини очиб беришга оид илмий тадқиқот ишларининг мазмунини бойитишда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг моҳиятини аҳоли турли қатламлари онгига, жумладан, ёшларга етказиш бўйича олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида, республика олий таълим муассасаларида «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун ўқув адабиётларини тайёрлашда, ёшлар онгида ватанпарварлик туйғусини ҳосил қилишга қаратилган давра суҳбатлари, викториналар, фестиваллар ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ёшлари дунёқарашини бойитишда миллий ғоянинг ролини асослаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

ёшларнинг ижтимоий онг ва дунёқарашига таъсир этувчи ижобий омилларнинг амал қилиш механизмлари таснифланган ва уларнинг онг стереотипларини (лоқайдлик, бепарволик) бартараф қилиш, илмий изланишларга сафарбарликни таъминлашдаги ролига оид ғоялардан Ўзбекистон республикаси ёшлар агентлигининг ёшларнинг илмий ва ижтимоий фаолиятини босқичма-босқич тизимли ташкил этиш, 100 та илмий ғоя лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлигининг 2020 йил 3 октябрдаги 01/04-13-23-338-сон маълумотномаси). Натижалар ёшларнинг «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш» сари ғоясининг ижтимоий аҳамиятини тушуниш, уларда жамият тараққиётига нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантириш ва ўз фаолиятини режали ташкил этишига хизмат қилган;

давлат бошқарувида амалга оширилаётган ислохотларнинг ёшлар дунёқарашида дахлдорлик ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, ижтимоий фаолликни ошириш, касбий камолотга эришишда ижтимоий маънавий восита эканлигига оид ғоялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018-2019 йилларда аҳоли турли қатламлари онгига

янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг моҳиятини тушунтириш, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги йўналишларини белгилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4307-сон Қарор дастурининг V боб «Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот тадбирлари»ни амалиётга тадбиқ қилишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат кенгаши Республика маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 25 сентябрдаги 02/01-226-сон маълумотномаси). Натижалар Ўзбекистонда ёш тадбиркор, ёш мухандис, ёш мутахассис, ёш дастурчиларнинг янги авлодини тарбиялашга ва уларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишига назарий манба сифатида хизмат қилган;

давлат бошқарувида амалга оширилаётган ислохотларнинг ёшлар дунёқарашида дахлдорлик ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, ижтимоий фаолликни ошириш, касбий камолотга эришишда ижтимоий маънавий восита эканлигига оид ғоялардан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ва ҳудудий кенгашлари фаолиятида, хусусан, партия дастурида белгиланган чора-тадбирлар, ёшларни халқимизга ёт ва янги авлод онги учун зарарли бўлган «оммавий маданият» нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш, уларни биринчи навбатда китобга бўлган муҳаббатини ошириш орқали миллий-маънавий юксалишга эришиш, миллий юксалиш ғояси тамойилларининг устуворлигини таъминлаш ҳамда жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асосларини мустаҳкамлашга асос бўладиган қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнларида самарали фойдаланилган (Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг 2020 йил 5 октябрдаги 01-246-сон маълумотномаси). Натижалар партиянинг «Ёшлар қаноти» фаолиятини самарали ташкил этиш, уюлмаган ёшларни иш билан таъминлаш, уларда аждодлар меросига ҳурмат ва миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қилган;

илмий ва бадиий билим, малака ва кўникмаларнинг ёшлар дунёқарашида шахсий келажак истиқболларини белгилашда давлат манфаатлари билан мутаносиблигини таъминлаш ва амалдаги қонун нормаларига риоя қилишнинг заруратига оид ғоялари Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида Тошкент шаҳрида 2020 йил 9 майда рўйхатга олинган ОАВ иштирокида ташкил этилган «ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзуидаги давра суҳбатида ҳамда ОАВда ғоявий тарбиянинг, жумладан, миллий юксалиш ғоясининг, бу борада республикамизда ишлаб чиқилган Концепциянинг аҳамиятини ёшлар дунёқарашига сингдиришдаги аҳамияти тадбирларда кўриб чиқилган (Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг 2020 йил 23 сентябрдаги 16/279-сон маълумотномаси). Натижалар, расмий оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёшлар эришган ютуқларни тарғиб этиш, уларнинг 5 та муҳим ташаббус

доирасида олиб бораётган фаолиятини ёритишни тизимли ташкил этишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари республика миқёсида ўтказилган 17 та илмий-амалий конференция ва 3 та халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилиш жараёнларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича битта монография, 2 та илмий-оммабоп қўлланма, 3 та рисола нашр этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (7 та республика ва 3 та хорижий журналларда), 17 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлари тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, 8 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишларнинг сони, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми асосланган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ёшлар дунёқараши ва миллий юксалиш ғояси амал қилишининг фалсафий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида ғоялар тарихи, унинг назарий асослари ва генезиси ҳамда миллий мафкура тушунчаларининг моҳияти, унинг ёшлар дунёқарашини бойитишдаги роли очиқ берилган. Муаллиф фикрича, дунёқарашни бойитиш жамиятдаги ижтимоий муносабатларга, сиёсий бошқарувнинг ҳолатига ва миллий ўз-ўзини англаш имкониятларига боғлиқ тарзда намоён бўлади.

Маълумки, ёш авлод дунёқараши билан боғлиқ масалалар барча давр ва замонларда долзарб бўлиб келган. Қадимги Шарқ ва Ғарбнинг буюк мутафаккирлари кишилар тарбиясида барқарор ворисийлик, миллий ўзликни англаш, давлат ва жамият ривожига шахснинг дунёқараши омилларига катта аҳамият қаратиб келганлар. Буюк юнон файласуфи Платон инсон феъл-атворининг, хатти-ҳаракатларининг ва дунёқарашининг теологик моҳиятга эга эканлигига аҳамият қаратган. У инсон фаолиятининг самарадорлиги унинг илоҳий тақдир, субстанцияга нечоғли мувофиқлигига бевосита боғлиқдир, деб қарайди.

Инсоннинг маънавий оламини шакллантириш учун унинг руҳини (онгини) ва қалбини ҳимоя қилиб бориш керак¹. Негаки, инсон руҳида бойлик ва манфаатпарастликка қарши мулоҳазакорлик ва адолатлилик ғояси мавжуд бўлади, қалбида эса бекиёс жасорат ва бекиёс кўрқув туйғуси мавжуддир². Бундан чиқдики, тарбия воситасида инсон табиатидаги вайронкорлик, жоҳилликни бартараф этиш мумкин. Маънавий тарбия инсон руҳиятида эзгу мақсад-муддаоларни шакллантириш, унинг қалбида маънавий жасоратни ҳосил қилишдир. Файласуф ўз фикрини асослаб шундай дейди: «Дунёқарашни шакллантиришга таъсир этувчи асосий куч - ғоядир»³.

Янгиланаётган Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти бунёд этиш масъулияти ёшлар муаммолари билан шуғулланишда халқимизнинг бой ва бетакрор манбаларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Бу жараён ёшлар дунёқарашини бойитишга қаратилганлиги билан аҳамиятли.

Кейинги беш йилдан буён олиб борилаётган очиқлик сиёсати мамлакатимизнинг халқаро нуфузини йил сайин оширмоқда. Масалан, мустабид тузум даврида энг оғриқли масала, танқидга нишон бўлиб келган ахборот олиш эркинлиги алоҳида қонун билан кафолатланди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари вазифасини бажарувчи бўлиб тургандаги имзолаган *дастлабки* Қонун «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги янги қонун эди. Ушбу ҳужжат ўз моҳиятига кўра, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришни назарда тутганди.

Янгилик ҳар доим қайсидир бир ҳолда эскиликни инкор этиб, янги, илғор ғояларни, шиорларни қурол қилиб ҳаётга кириб келади. Бу ривожланишнинг қонуниятларидан бири. Дунёқараш тартибсиз, ўзбошимча шаклланмаслиги кузатилган, унга албатта оила, жамият бевосита ўз таъсирини ўтказди. Жамиятдаги идеаллар, идеаллардаги устуворлик ёшларнинг дунёқарашини ҳам ўз аксини топади. Масалан, мустақилликнинг дастлабки йилларида ёшлар истиқболдаги тақдирлари ҳақида қилган орзулари билан ҳозирги кунда қилган орзулари ўртасида катта фарқ борлиги кузатилган. Акселерация жараёни, бир тарафдан, анъанага кўра ёшликнинг пастки чегараси ҳисобланган болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ва жинсий етилиши кескин равишда тезлашаётгани кузатилмоқда.

2017 йил мамлакат ёшлари ҳаётида тарихий бурилиш йили бўлиб қолди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшлар иттифоқига айлантирилди ва унинг ўзига хос ва мос мақоми ишлаб чиқилди. «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг ҳар йилида тасдиқланаётган давлат дастурларида ёш авлодга, Ёшлар иттифоқига бевосита боғлиқ бўлган

¹ Платон. Қонунлар. –Т.: Янги аср авлоди. 2002. –Б. 10.

² Ўша манба. – Б. 17.

³ Невлева И.М. Философия. Русская деловая литература. – М., 1999. –С. 24.

масалалар ҳам бор. Масалан, 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб белгиланишида ҳамда уни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган давлат дастурида ёшларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ёшлар дунёқарашини шакллантириш ишига *илмийлик* нуқтаи назаридан ёндашув анъанавийлик, меросийлик ва янгиликларнинг асосланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Жамиятнинг асосий қисмини ташкил этаётган ёш авлоднинг истиқболини белгилаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қатор имтиёзлар белгилаш мустақиллик даврида ўтказилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Диссертациянинг «**Ёшлар дунёқарашини тадрижий ривожлантиришнинг механизмлари ва ижтимоий моҳияти**» деб номланган иккинчи бобда ёшлар дунёқарашини бойитишда миллий юксалиш ғоясининг ўрни ва роли тадқиқ қилинган.

Мустабид тузум таназулга юз тутиб мустақилликка эришган Ўзбекистонда биринчи бўлиб кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди, мамлакатда ёш авлодни узлуксиз таълим билан тўла қамраб олиш тизими жорий бўлди¹. Боғчадан мактабга узатилган болалар мактабни тугатгач, коллеж ёки лицейга, ундан кейин эса олий таълим даргоҳига ва ниҳоят қайта тайёрлаш курсларига бориши назарда тутилган. Таълим тизимидаги бу сиёсат узоқ йиллар оғишмай амалга оширилди. Бу Ўзбекистонни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ҳам алоҳида қайд этилган, тизим истиқболи аниқ белгиланган. Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган, ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Таълимдаги ана шу ислоҳотлар ёшлар дунёқарашининг миллий ғоя асосида бойишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганига тадқиқотда алоҳида урғу берилган, ва ушбу жараёнлар ижтимоий-иқтисодий устқурмани янги босқичга олиб чиқиш асослари сифатида талқин қилинади.

Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси миллий юксалиш ғояси асосида маънавий тарбиянинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, даврнинг руҳини тушунувчи янги авлодни тарбиялашнинг дастури сифатида амал қилмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Президентининг ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича эълон қилган 5 та муҳим ташаббуси доирасида «Ёш китобхон» танловларининг эълон қилиниши миллий мафқурани ёшлар онгига сингдириш методологияси сифатида намоён бўлган бўлса, «Ёшлар» ва «Аёллар» темир дафтарлари ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишга йўналтирилгандир.

Тадқиқотда ёшлар давлат ва жамиятнинг доимий диққат марказида эканлигига эътибор қаратилган ва улар кўрсатиб ўтилган. Хусусан, 2020 йилгача парламент томонидан ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида 2

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги 464-1-сон Қонунидан. (Norma online).

та қонун ва 16 та қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. 70 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та фармони, 4 та қарори ва 1 та фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14 та қарори ва 3 та фармойиши қабул қилиниши ёшлар сиёсати соҳасидаги ислохотларнинг тизимли, босқичма-босқич амалга оширилаётганига амалий мисолдир. 2021 йилда 3-6 ёшдаги болалар қамрови даражасини 62,6 фоизгача, 2030 йилда 85 фоизгача, мактабга тайёрланиши лозим бўлган 5-6 ёшдаги болалар контингентини тегишли равишда 70 фоизгача ва 100 фоизгача таъминлаш. Барча мактабларда ёпилаётган 868 та касб-хунар коллежи ва академик лицей ҳисобига, шунингдек, янги мактаб биноларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва уларнинг қувватини кенгайтириш ҳисобига бир сменали иш тармоғи ва қувватларини 1,3 баравар ошириш ҳисобига бир сменали ишни таъминлаш назарда тутилганлиги қайд этилган.

Маълумки, ёшлар орасида, айниқса мустақиллик йилларида вояга етганлар ўртасида истеъдодлар кўп, чунки улар шахси озод, маънавияти ҳадик билмаган бир муҳитда дунёга келишди ва мутлақо янги бир ижтимоий табақа сифатида намоён бўлмоқда. Уларнинг олдидаги муаммоларни ечишда *ёшлар истеъдодини рўёбга чиқариш*нинг аҳамияти катта.

Мамлакатда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг марказида ёшлар турибди. Уларнинг жисмонан соғломлигидан ташқари, маънавий етук, ижтимоий фаол дунёқараш эгаси бўлишидан давлат ҳам, жамият ҳам манфаатдор. Кейинги ўн йилдан ортиқ вақт таҳлил қилинса, ёшлар дунёқарашини бойитиш, жамиятнинг фаол фуқаролари қилиб тарбиялаш учун мамлакат ялпи миллий даромадининг асосий қисми йўналтирилаётгани маълум бўлади. Масалан, 2020 йилга мўлжалланган “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурини амалга ошириш учун жами манбалардан қарийб 18,2 триллион сўм ва 10,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ажратилган¹.

Ёшлар онгида миллат қадриятларини кадрлашнинг изчиллигини таъминлашда муайян бир тизимга эҳтиёж пайдо бўлганлигини диссертант қайд этади, чунки миллий ғурур қотиб қолган, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қоладиган туйғу эмас, уни динамик тарзда ўстириш лозим, деган хулосага келади муаллиф (1-жадвал).

1-жадвал.

МИЛЛИЙ ҒУРУРНИНГ ТАРКИБИ

Миллий ғурур элементлари	Манбаи	Объектлари	Хусусиятлари	Аҳамияти
--------------------------	--------	------------	--------------	----------

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармони. - <https://lex.uz/>

1. Менталитет	Урф одатлар, анъаналар	Халқ, миллат	Миллийлик, руҳий кўтаринкилик	Собитлик, миллий ўзликка садоқат
2. Миллий ўзликни англаш	Тарихий хотирага эгаллик	Оила, таълим муассасалар и, маҳалла	Ворисийлик	Уюшувчанлик, маънавий, маданий меросга садоқат
3. Ватанпарварлик	Турмуш тарзи, Миллий руҳ	Ватан, киндик қон томган макон, ўтмиш	Фахр-ифтихор, ибрат олиш	Иймон-ишонч қатъияти, халқпарварлик
4. Идеаллар	Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли	Жамиятнинг барча қатламлари, асосан ёшлар	Ҳеч кимдан кам эмаслик рағбати	Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторига киришга бўлган ижтимоий харакатнинг кучайиб бориши
5. Бунёдкорлик	Фазилатлар, интилишлар	Давлатчилик	Комиллашиш, фаоллик	Тинчликпарвар лик, биродарлик

Муаллиф миллий ғурурнинг таркибини 1-жадвалдагидек кўринишда таклиф қиляпти. Масалан, унинг элементи миллий менталитет бўлса, манбаи албатта, урф-одатлар, анъаналар бўлади, чунки миллий менталитетсиз урф-одатларни тасаввур қилиб бўлмайди. Миллий ғурурнинг объекти, шубҳасиз халқ, миллат бўлади, чунки миллий ғурурнинг элементи ва манбаи объектсиз мавжуд бўла олмайди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан олға сурилган «Беш ташаббус» бугунги кунда дунёқарашни жадал бойитиш феномени сифатида намоён бўлмоқда. У миллий юксалиш ғоясининг моҳиятини ташкил этаётгани, комил инсон тарбиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани тадқиқотда таҳлил этилган, «Беш ташаббус» ёшлар дунёқарашини бойитишнинг, ёшлар қалбини ва руҳини юксалтиришнинг маънавий асоси бўлиб қолишига эътибор қаратилган. Миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик, идеаллар ва бунёдкорлик элементлари ҳам маълум маънода ана шу ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш орқали амалга ошадиган, янги Ўзбекистонда бошланаётган учинчи Ренессанс жараёнларини яқинлаштириш имкониятлари эканлиги таъкидланган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ёшлар дунёқарашини бойитиш тарғибот технологияларини такомиллаштиришнинг аҳамияти**» деб номланади ва унда ушбу муаммонинг ечимида ўзига хос восита вазифасини

ўтайдиган масалалар таҳлиliga ўрин берилади. Мулоқотнинг қадимги, синалган, миллий менталитетимизга хос усуллари билан бирга, унинг замонавий турларидан самарали фойдаланиш бўйича ҳам олиб борилган социологик тадқиқотлар натижалари баён этилган.

Бобнинг ушбу параграфида ёшлар ҳаётига бевосита алоқадор муаммолар ҳам қайд этилгани таъкидланади, жумладан, «Мустақилликка эришилгандан кейин ўтган чорак аср давр давомида ёшларга оид давлат сиёсати доирасида қатор хайрли ишлар амалга оширилганини қайд этиш билан бир қаторда муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилганини эътироф этишга тўғри келади. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунида мазкур сиёсат давлат фаолиятининг устувор йўналиши экани эътироф этилган бўлса ҳам, амалда бу вазифага тўла эришилмади»¹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон фармонида белгиланганидек: «... соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганидан далолат бермоқда»².

